



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press

www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 12 март. 5 (384)-сон

hamkor.press@mail.ru

“Hamkorbank”нинг 29 йиллиги муносабати билан тизимдаги кўп йиллик самарали ва садоқатли меҳнати, жамоадаги фаоллиги, ёш мутахассисларни тарбиялаш ҳамда банкнинг молия бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ ходимлар Банкнинг махсус фахрий ёрлиғи ва кўкрак нишони ҳамда II даражали “Самарали меҳнати учун” медали билан тақдирланган эди. Бош банкнинг мажлислар залида мукофотларни ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишни Банк Бошқарувининг раиси Ж.Ҳасанов кириш сўз билан очди.



ЭЪТИРОФ

Тақдирланганлар орасида ходимлар — Хўжабод филиали касса амалиётлари бўлими чиқим касса касири Гулчеҳра Умрзоқова, Урганч филиали Хонқа банк хизматлари офиси бошлиғи Мухторбек Назуров, Олмалиқ филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежерлари 1-тоифали менежери Феруза Исмоилова, банк фахрийлари — Марипатхон Атабекова, Эркин Мадалиев, Юнусхон Иномов, Замира Ўктамова, Виталий Жеребиллов

МУКОФОТЛАР ЭГАСИНИ ТОПДИ

каби кўплаб ўз касбининг фидоийлари бор.

Ўзига хос байрамга айланган тадбирда Термиз филиали бош ҳисобчиси Марина Верховых, Бухоро филиалининг ундирув хизмати етакчи мутахассиси Фазлиддин Самадов, “Истиқбол” филиали касса амалиётлари бўлими мудири Зухра

Ризаевалар сўзга чиқиб, камтарона меҳнатлари ҳисобга олиниб, мана шу мукофотга лойиқ кўрилгани учун банк раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирдилар.

Банк Кенгашининг раиси Икромжон Ибрагимов рағбатланганларни муборакбод этар экан, банк миқёсида таъсис этилган мазкур мукофотлар

илк бора топширилаётгани, бундан кейин ҳар йили “Hamkorbank” ташкил топган кун арафасида ўз эгаларини топиши, ҳалол ва самарали меҳнат қилган ҳар бир ходим эътибордан четда қолмаслигини таъкидлади.

Р. МУХТОРОВ

Бу сонда:

**“COVID-19”ГА
ҚАРШИ ВАКЦИНА
ХАВФСИЗМИ? 2**

**ТАЛАБА
“NEKSIA -3”
СОҲИБИ БЎЛДИ 3**

**ИСМИНГИЗ
НАВРЎЗ,
ҲАЁТИНГИЗ-ЧИ? 5**

**СИЗГА
ЎХШАГАН
ОНА БЎЛАМАН 6**

**“ОМАД ШОУ”ДА
КИМЛАР ЮТИШИ
МУМКИН? 7**

ХАБАРЛАР

“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Қарор билан Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши (Республика кенгаши) ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланди. Бундан ташқари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси сифатида қайта ташкил этилди. Жамғармага ҳар йили 300 миллиард сўмгача миқдорда Давлат бюджети маблағлари ажратилади.

Шунингдек, тегишли дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари тавсиясига кўра, тадбиркорлик фаолияти-

ни йўлга қўйиш учун 3 йилгача муддат ва 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий Банкнинг асосий ставкасида БҲМнинг 150 бараваригача (36 млн. 750 минг сўмгача) миқдорда кредитлар берилди.

2021 йилда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига:

нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга — 10 миллиард сўмдан;

отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга — 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига асосан, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигидан (JICA) умумий қиймати 333,4 млн. долларлик иккита кредит жалб қилишни режалаштирмоқда.

ЯПОНИЯДАН ИККИТА КРЕДИТ

Хужжат лойиҳасига кўра, қарз маблағлари қуйидаги молиялаштириш шартларида жалб этилиши кўзда тутилган:

15,0 млрд. япон йенаси миқдоридаги маблағлар 15 йил муддатга, шу жумладан, 4 йиллик имтиёзли давр

билан 0,01 фоизда;

195,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ 25 йил муддатга, шу жумладан, 7 йиллик имтиёзли давр билан 6 ойлик LIBOR (Лондон банклараро таклифлар ставкаси) +1,1 фоизда. Агентлик энергетика соҳасида ислохотлар матричасини ишлаб чиқди, уни Энергетика вазирлиги ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖ амалга ошириши кутилмоқда.

Лойиҳани муҳокама қилиш 20 мартгача давом этади.

ХОҚ КИЧИК ЛУКАШЕНКОНИ ТАН ОЛМАДИ

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) Беларусь Президентининг катта ўғли — Виктор Лукашенконинг мамлакат Миллий Олимпия қўмитаси раҳбари этиб сайланганини тан олмади.

Шунингдек, ХОҚ Беларусь Хоккей федерацияси раҳбари ва Александр Лукашенкога яқин шахслардан бири Дмитрий Басковнинг МОҚ ижроия қўмитасига сайланганини ҳам тан олмаслигини маълум қилди. У Роман Бондаренконинг

ўлимига алоқадорликда гумон қилинмоқда.

Мамлакат МОҚга 24 йил мобайнида Александр Лукашенко президентлик қилган. Ўғли 2019 йилдан буён МОҚнинг Вице-Президенти саналарди.

2020 йил декабрида ХОҚ




Александр ва Виктор Лукашенко-ларга ўз тадбирларига, шу жумладан, Олимпия ўйинларига ташриф буюришни тақиқлаб қўйди. Бундай қарор беларуслик спортчиларнинг сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилиниши туфайли қабул қилинганди.

ҚОР ОДАМ УЧУН 2,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

АҚШнинг Оклахома штати маъмурияти қор одамни тутганлик учун мукофот пулини 25 минг доллардан 2,1 млн. долларга оширди.

Мазкур қонундан кўзда тутилган мақсад сайёҳларни штатга жалб қилишга қаратилгани айтилмоқда.



Штатда қор одамни тутиш учун рухсатнома жорий қилиш ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, штатда одамсимон маҳлуқ билан боғлиқ реклама компанияси йўлга қўйилади.


Бироқ ушбу маҳлуқнинг мавжудлиги аксарият олимлар томонидан рад этилиб келинади.

ЕР МАРКАЗИДА ФАНГА НОМАЪЛУМ СТРУКТУРА АНИҚЛАНДИ

Австралия миллий университети геофизиги Жоанн Стивенсон ва унинг ҳамкасблари Ер ядроси ичида номаълум структура белгиларини аниқлашди.

Олимлар Ер ядроси бир жинсли эмас эканини ва ўзида кичикроқ ўлчамдаги яна бир "ички" ядрони сақлашини айтишмоқда. "Бу жуда қизиқ ва китобларни янгидан ёзишимизга тўғри келиши мумкинлигини англатади", дейишмоқда улар.

Янги кашфиёт баъзи тажрибавий маълумотлар нима учун Ер тузилишининг ҳозирги моделларига мос келмаслигини тушунтириши мумкин.



"AMAZON" ТАНҚИДДАН СЎНГ ЛОГОТИПИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Дунёдаги энг йирик компаниялардан бири — "Amazon" бундан бир ой аввал мобил иловалардаги логотипини ўзгартиргач, кўпчилик янги логони немис фюрери, миллатчи Адольф Гитлернинг мўйловига ўхшатди.



Ижтимоий тармоқларда кўпчилик бу ҳақда ёза бошлади: кимдир ҳазил қилган бўлса, кимдир "Amazon" ни очикчасига танқид қилди. Оқибатда

"Amazon" мобил иловалар учун логотипини яна ўзгартирди.

Турган гапки компания логотипни ўзгартирганига Гитлернинг мўйловини сабаб қилиб келтирмади. "Янги логотип харидорларга яхши кайфият бағишлайди ва смартфон орқали харидлардан завқланишга ундайди", деб изоҳ берилган холос.

ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ АМАЛДОРЛАРГА ҚАРШИ САНКЦИЯЛАР

Евроиттифоқ Россия бош прокурори Игорь Краснов, тергов қўмитаси бошлиғи Александр Бастрикин, жазони ижро этиш федерал хизмати бошлиғи Александр Калашников ва Росгвардия қўмондони Виктор Золотовни қора рўйхатга киритди. ЕИнинг фикрича, уларнинг барчаси Алексей Навальныйга нисбатан айблов ҳукми чиқарилишида жавобгар ҳисобланади.

Қайд этилишича, санкция киритилган амалдорларга ЕИ мамлакатларига кириш ҳамда Евроиттифоқ мамлакатларидаги банкларда пул маблағларини сақлаш тақиқланади.



БИР КУНДА 32 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА БОЙИДИ

"Rocket Cos" ипотека компанияси асосчиси Дэниел Гилбертнинг бойлиги миқдори бир кун ичида 32,3 млрд. долларга ёки 64 фоизга ўсди. Эндиликда унинг бойлиги 82,7 млрд. доллар деб баҳоланмоқда.

Натижада у "Forbes Real-Time" талқини бўйича дунёнинг энг бой кишилари ўнталигига кирди.

CNBC телекомпанияси хабарига кўра, компанияга



Reddit ижтимоий тармоғидаги "WallStreetBets" ҳамжамияти трейдерлари қизиқиш билдирган бўлиши мумкин. Улар аввалроқ бир ойдан озроқ вақт ичида GameStop видеоўйин дўконлар тармоғи акциялари нархи бир неча бараварга кўтарилишига сабабчи бўлишганди.

Юртимизда жорий йил корона-вирус инфекциясига қарши аҳолини оммавий эмлаш жараёни ўтказилиши режалаштирилмоқда. Хўш, вакциналар пандемияни тўхтатишга қодирми? У ўзини учун керак? "COVID-19" га қарши вакцина хавфсизми? Шу каби саволлар бугун барчани қизиқтирмоқда.

"COVID-19"ГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ХАВФСИЗМИ?



Олимларнинг таъкидлашича, касаллик юқишининг эпидемик жараён занжирини узиш учун аҳолининг камида 60-70 фоизда иммунитет мавжуд бўлиши керак. Бунинг қанчалик тез содир бўлиши кўпгина омиларга боғлиқ. Хусусан, вакциналарнинг самарадорлиги қанчалик тез исботланиши, ЖССТ томонидан тасдиқланиши, ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши ҳамда эмланувчи аҳоли қатламнинг шакллантирилишига ҳам боғлиқ.

Коронавирусга қарши эмлаш пандемияни жиловлашга ёрдам беради. Вакциналар иммунитет тизимини мустаҳкамлаб, юқиши мумкин бўлган вирусларга қарши курашишда иштирок этади. Биз эмлаш орқали нафақат ўзимизни, балки, атрофимиздагиларни ҳам ҳимоя қиламиз.

"COVID-19"ни келтириб чиқарадиган вирус жуда осон юқади. Фикримизча, аҳолининг 60-70 фоизда ушбу касалликка қарши иммунитетни шакллантирмай туриб, унга қарши самарали кураша олмаймиз. Шу ўринда дунё бўйича касалланганларнинг 3-5 фоизи вафот этганлигини, улар орасида яқинларимиз ҳам бўлиши эҳтимоли мавжудлигини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш ва жамоат жойларига боришдан ўзини тийиш кабилар вирус юқиши ёки уни бошқаларга юқтириш эҳтимолини камайтиришда самарали амал сифатида ҳисобланишига қарамасдан, бу чоралар пандемияни жиловлаш учун етарли эмас. Шундай экан, ҳозирда бу касалликдан ҳимояланишнинг энг фойдали усули — унга қарши вакцина қабул қилишдир.

Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан самарадорлиги тан олинган, хавфсизлиги кафолатланган ва фавқулодда ҳолатларда коронавирус касаллигига қарши эмлаш учун ишлатишга тавсия этилган вакциналардан фойдаланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
матбуот хизмати.

“Hamkorbank” ва Visa биргаликда совғалар улашади” акцияси ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланган. Ўйиннинг учинчи босқичида супер ютуқ — “Neksia - 3” автомобили ўз эгасини топди. Фарғоналик Абдулазиз Муҳаммаджонов Наврўз байрами арафасида бахтиёр инсонлардан бирига айланди.

ТАЛАБА “NEKSIA - 3” СОҲИБИ БЎЛДИ

Акцияда иштирок этиш учун ҳамюртларимиз банкнинг виза картасини расмийлаштириши ва 20 АҚШ долларидан кам бўлмаган харидни амалга оширишлари шарт. Ғолибларни аниқлаш бутун дунё тан олган тизим Random.org орқали

амалга ошириляпти ва “Hamkorbank”нинг Instagram саҳифасида тўғридан-тўғри эфирга узатиляпти. Жараёнда мустақил экспертлар ва таниқли блогерларнинг иштирок этиши таъминланган.



Айтиш жоизки, тадбирнинг супер ютуқ ғолиби 2 минг 974 нафар мижознинг картаси ёрдамида аниқланди. “Neksia - 3” автомобили юқорида айтганимиздек, Абдулазиз Муҳаммаджоновга насиб этди. Супер ютуқ ўз эгасига “Истиқбол” филиалида тантанали равишда топширилди.

— Талабаман, хорижда ўқийман, — дейди янги автомобиль соҳиби қувончини яшира олмай. — Шунинг учун менга Visa карта керак бўлади. Карта — “Hamkorbank”да расмийлаштирдим. “Hamkorbank” ва Visa биргаликда совғалар улашади” акцияси ўтказилаётганлигини эшитган эдим, акция шартларини бажардим. Бир кун дўстим қўнғироқ қилиб, “Hamkorbank”нинг Visa картасини олган эдинг, ҳозир тўғридан-тўғри эфир бўляпти, деб қолди. Дарров кузатишни бошладим. Ўша пайтда 4 ғолиб — смартфон эгалари аниқланган эди. Навбат супер ютуққа

келганида, менинг исмим эълон қилинса бўлади-ми?! Жуда хурсанд бўлдим. Энг катта орзуимни амалга оширган “Hamkorbank”ка раҳмат!

— Фарзанднинг камолини, унинг муваффақиятини кўриш ҳар бир ота-онага ўзгача ғурур бағишлайди. Оиламиз билан жуда хурсандмиз, — дейди биз билан суҳбатда Абдулазизнинг отаси Дилшодбек Мадвалиев. — Ташкилотчиларга раҳмат. Ўз навбатида банкнинг 30 йиллик тўйи билан оиламиз номидан чин юракдан табриклаймиз. “Hamkorbank” ҳамisha юксалаверсин.

Келгусида акциянинг яна икки босқичи ўтказилади. Муҳими, мижозлар ва аҳоли орасида оммалашиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби — ютуқли ўйиннинг шаффоф ўтказилаётганлиги. Шу кунгача 24 нафар иштирокчи энг сўнгги русумдаги смартфонларни ютиб олди. Апрель ойида иккинчи “Neksia - 3” автомобили ўйналади. Қулай имкониятдан сиз ҳам фойдаланинг!

Наргиза ЭШОНОВА

Ходимларнинг салоҳиятини ривожлантириш “Hamkorbank” АТБда белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири саналади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, янги маҳсулотлар ва технологияларни оммавий тарзда жорий қилиш, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдида янги мақсад билан бир қаторда бошқа долзарб вазифалар қўйилишини тақозо этиши шубҳасиз.

Муҳбиримиз шу хусусда Жалақудуқ филиали Мидл офис 1-тоифали офис менежери Дилабзахон АБДУЛЛАЕВА билан мулоқотда бўлди.

— **Суҳбатимиз аввалида жамоангизда кадрлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида билишни истардик.**

— Маълумки, мазкур сиёсатнинг асосий мақсади раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар захираси билан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан бир қаторда банкимизнинг стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга қодир бўлган малакали мутахассислар жамоасини яратишдир.

Банк кадрлар сиёсатини амалга оширишда рағбатлантиришнинг янги усулларини таклиф этиш билан бирга ходимларнинг касбий маҳорати, ишбилармонлиги ва шахсий фазилатларига алоҳида эътибор қаратади, ходимларнинг ишга нисбатан новаторлик

риш, шунингдек, уларнинг меҳнати самарадорлиги ва мотивациясини оширишни таъминловчи ходимларни бошқаришнинг замонавий тизимини босқичма-босқич жорий қилиш вазифаси юклатилган.

Жамоамизда айни кунда

КАДРЛАР — ОЛТИН ФОНДИМИЗ

ни пухта ўзлаштирган йигит-қизларни соҳамизга жалб этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Ходимларни танлаш ва иш жараёнига мослаштириш, иқтидорларни

ҳамкасблари ва мижозлар эътиборини қозонишмоқда. Ёш кадрларимизни самарали ишлашлари ва дам олишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар муҳайё этиляпти. Имтиёзли кредитлар ажратилияпти.

Ташкиллаштирилган “Сен, барибир, муқаддасан муқаддас, аёл!” спорт-соғломлаштириш тадбирида жамоамиз хотин-қизлари фахрли 2-ўринни эгаллашди. Бошқа кўрик-танловларда ҳам салмоқли ютуқларимиз талайгина. Хурриятхон Юсупова, Элёра Далиева, Гулсара Усмоновалар жамоамиз шаънини ва нуфузини оширишда фидойилик кўрсатишаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

— **Наврўзи олам яқин. Баҳорий кайфият дилларга туғён солаётган паллада қандай тилаклар билдиришни истардингиз?**

— Аввало, юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин. Янги Ўзбекистонни равнақ топишига ҳисса қўшаётганлар сафида жонбозлик кўрсатётган банкимиз жонкуяр ходимларининг ишларига омад, оилаларига бахту саодат, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайман. Баҳорий айём таровати, шуқуҳи уларни бир умр тарк этмасин.

Суҳбатдош:
Ҳалимжон ТОҲИРОВ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ютуқлар пойдеворида айланимоқда

ва замонавий ёндошуви-га хайрихоҳ бўлади, анъанавий қадриятларга таянган ҳолда замонавий корпоратив маданиятни қўллаб-қувватлайди.

Зиммамизга ходимларнинг оқилона танловини

СУҲБАТДОШИМИЗ
2004 йилда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2008 йилда Жалақудуқ тумани бандлик-ка кўмаклашувчи марказ бош мутахассиси сифатида бошлаган.

2010-2011 йилларда “Микрокредитбанк” ОАТБ Охунбобоев филиалида ходимлар билан ишлаш шўъбасида иш олиб борган.

2011 йилдан “Hamkorbank” АТБ тизимида ходимлар билан ишлаш, мидл-офис бўлими офис менежери вазифасида меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг январидан ҳозирги лавозимида фаолият юритяпти.

жой-жойига қўйиш ва ротациясини, кадрлар захира-сини сифатли шаклланти-



35 нафар ходим ишламоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос салоҳиятга ва касбий малака, билимга эга. Ҳар қандай жамоа ёш кадрлар орқали ўз келажагини қуради ва бу бизда ҳам инъикосини топган. Етук, билимли, иқтидорли, замонавий технологиялар-

бошқариш ва кадрлар захирасини шакллантириш, корпоратив қадриятларни ривожлантириш доимий эътиборда. Рустамбек Тўраев, Шоҳруҳбек Юлчиев, Баҳодиржон Хурбоев, Зухриддин Сулаймонов каби ходимларимиз касбий малакалари, иқтидорлари билан



Мунаввар опанинг бугун туғилган куни. Тонгда фарзандларининг тараддудини кўриб, юзига табассум югурди-ю, ўзини билмасликка олди. Жигарбандлари томонидан йўлланган табриклар кўнглини чорағон қилди. Қувончи ичига сиғмай мактабга йўл олди.

ОМОНАТЧИНИНГ ИШОНЧИ

Узоқ йиллардан буён математика фанидан сабоқ беради. Тонгдаги хушайфият ҳали тарк этмаган бир пайтда синф эшиги тақиллади. Ўзини “Hamkorbank” АТБ Наманган минтақавий филиали ходимларимиз”, дея таништирган икки аёл қўлида алвон гуллар билан муборакбод этганида опанинг ҳаяжондан кўзлари ёшланди.

Мунаввархон Болтабоева филиалнинг корпоратив хизматлар бўлими микрокредит менежери Расулжон Одиловнинг онаси. Шундай лаҳзаларда фарзанд ортидан эришилган ҳурмат-эҳтиром, эътибор нақадар тотли бўлишини ҳис этди.

Филиал ходимларининг ота-оналарини таваллуд кунлари билан қутлаш анъанага айланган. Бу водийликларга хос меҳмондўстлик, меҳр-муҳаббат ва инсонийликнинг бир ифодаси.

Наманганликларнинг энг гўзал фазилати — ширин каломиди. Мурожат қилган ҳар бир фуқаро банк аъзосига айланади, десак муболаға бўлмайди. Шунданми, бугун изланувчанлик, ўз вазифасини сидқидилдан бажариш, сифатли хизмат натижасида мижозлар сони ортиб бормоқда.

— “Hamkorbank”нинг Наманган филиали менинг “сейф”им — ишончли ва хавфсиз, ташкил қилингандан буён омонатчисиман. Вақтида хизмат кўрсатгани учун мижозман, — дейди шифокор Олимжон Мирабдуллаев.

Филиал кредитлари эвазига

иқтисодий ривожланишга эришаётган мижозлар талайгина. “Art Soft Tex Spinning”, “Namangan Momiq sochiqlari”, “ART SOFT HOLDING” масъулияти чекланган жамиятлари ана шундай ҳамкорлардан.

— “Plastex” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилганимизда сармоямиз унча кўп эмасди. Роса қийналаётган пайтимизда “Hamkorbank”дан 2 марта олган кредит эвазига чет элдан дастгоҳ ва хом ашё сотиб олдик, ишимиз юришди, корхонамиз ривожланди. Айни пайтда 15 нафар ёшлар иш билан таъминланди, — дейди МЧЖ раҳбари Тоҳиржон Набиев.

2018 йилда 18 нафар ходим билан фаолиятини бошлаган филиал жамоаси бугунги кунда 36 нафар тажрибали, изланувчан, иқтидорли банк ходимлари билан шаклланди. Чакана бизнес бўлимининг ўзида 17 турдаги банк хизматлари кўрсатиляпти. Аҳоли омонатларини жалб қилиш, коммунал ҳамда бир марталик тўловларни қабул қилиш, мобиль банк, банкоматлар, инфокиоск ва интернеткиосклар орқали жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, валюта айирбошлаш шохобчалари хизмати ана шулар жумласидан.

Жамоанинг бирдамлиги ютуқларида акс этган. 2018 йил якунлари бўйича янги ташкил топган филиаллар ичида 1-ўринни олган бўлса, 2020 йилда мижозларга энг сифатли хизмат кўрсатган филиал сифатида эътироф этилди. “Йилнинг энг яхши сотиш менежери” номинацияси ғолиблигига корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Муҳаммадраҳимбек Раҳимов сазовор бўлди.

— Филиалнинг намунали ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорағида ҳам юқори кўрсаткичларга эришган жамоамиз яна кўплаб эзгу мақсадлар сари олға қадам ташламоқда, — деди Муҳаммадраҳимбек Раҳимов.

Орзулари бисёр, ғайрат-шижоатли наманганликларнинг эзгу мақсад йўлидаги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



БИЗНИНГ МИЖОЗЛАР

Хусанбой Юсупов ҳазорасплик ишбилармон ёшлардан. Бугун бу йигит оиласи, шириндан-шакар икки фарзанди билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Хусанбой корхона-ташкilotларга дезинфекция хизмати кўрсатувчи “Комил доктор” МЧЖнинг раҳбари бўлиб, ишлари тобора ривож топмоқда. Бундай муваффақиятлар ортида “Hamkorbank”нинг катта кўмағи ётибди.

ХУСАНБОЙ БИРИНЧИ БЎЛДИ

“Hamkorbank” 2018 йилда Ҳазорасп туманида ўз филиалини очди-ю, Хусанбой унинг эшигини биринчилардан бўлиб тақиллатди. Туманда бир қанча йирик банклар фаолият кўрсатаётганига қарамай шу банк томон талпинди. Чунки бу муассасанинг ўзгача имиджи эътиборини тортди. Замонавий банк офисига қараб, “Янги экан, демак, хизмат кўрсатиши ҳам зўр бўлади” деган фикрга келди. Бунгача ҳам “Hamkorbank” ҳақида кўп илиқ гапларни эшитган эди.

Тасаввурда янгилишмаган экан. Биринчи ташрифдаёқ ходимларнинг муомала маданияти, санаб ўтилган имкониятлар унга ишонч бағишлади. Айнан ўша вақтда корхонаси учун автомашина жуда зарур эди. Бу мақсадини айтганда, “Hamkorbank” сизга ёрдам беришга тайёр” деган жавобни эшитди. Ёш тадбиркор дарҳол ҳисоб-рақамини янги банкка олиб ўтди. Усиз ҳам 40 километр йўл босиб, Боғотдаги “Микрокредитбанк”ка боришдан чарчаганди.

Шартнома имзолангач, бир ҳафтадаёқ Хусанбой Юсуповнинг номига автокредит ажратилди. Бу ҳамкорлик тарихий воқелик мақомига ҳам эга бўлди, чунки “Комил доктор” МЧЖ Ҳазорасп филиалининг биринчи юридик мижози сифатида қайд этилди.

Хусанбойнинг филиалга, филиалнинг Хусанбойга қадами қутлуғ келди. Банкнинг хизматидан кўнгли тўлган ишбилармон йигит ордан ҳеч қанча вақт ўтмай истеъмол кредити ва мақсадли кредитлар учун ҳужжат топширди. Рўзғори учун маиший техника буюмлари харид қилди. Мақсадли кредитини янги қурган иморатининг кам-кўсти учун сарфла-



ди. Автокредитга олган машинаси ҳам бугун тадбиркорнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилмоқда.

Хусанбой шу йил апрель ойида автокредитини тўлаб бўлади ва ҳамкоридан агродорихона ташкил қилиш ва уй-жой хариди учун навбатдаги молиявий кўмакни олмақчи.

“Hamkorbank” билан ҳамкорлик қилганимдан бери ишларим юришяпти. Тўлов ва ўтказмаларни “Hamkor mobile” дастури орқали бажараман, банк офисига бориб ўтирмайман, энгилликлар жуда кўп”, дея мамнуният билан сўзлади суҳбатдошимиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Хусанбой Юсупов ва у бошқараётган “Комил доктор” МЧЖнинг ишлари аъло даражада. Бунинг учун эса “Hamkorbank”ка катта ташаккур айтмоқда.

Н.ТЎХТАМАТОВА

ВАҚТНИ ҚАДРЛОВЧИЛАР ТАНЛОВИ



— Адашмасам, 2005 йиллар эди. Янги ҳовли қуриб, топган-тутганларимиз тугаган пайтлар. Таъмирлаш, жиҳозлаш, рўзғорнинг кам-кўстини тўлдиришга анча пул керак.

Ўшанда бир синфдошим “Hamkorbank”нинг Урганч филиали очилганини айтиб қолди. Бордим, талаб қилинган ҳужжатларни тайёрладим. Маблағ ажратилди, муаммоларим тезгина ҳал бўлди. Шундан буён филиалнинг мижозига айландим.

Кредит маблағлари эвазига турмуш фаровонлигига эришдим, десам муболағасиз. Аввалига уй-рўзғор, истеъмол моллари, кейинчалик, “Нексия”, “Спарк” автомашинаси олдик. Филиалда профессионал ходимлар шаклланган — тез ва сифатли хизмат кўрсатиши, хушмуомаласи билан бошқа банклардан ажралиб туради. “Hamkorbank” мен каби вақтни қадрловчилар танлови, ишончли ҳамкор. Эзгу ишларга камарбаста ходимлар бор бўлсин!

Феруза РАЖАПОВА,
Урганч.

ИСМИНГИЗ НАВРЎЗ, ҲАЁТИНГИЗ-ЧИ?



Наврўзбек АҚРОМОВ,
“Истиқбол” филиали
чакана бизнес бўлими
биринчи тоифали
универсал менежери:

“ИСМИМ ТУФАЙЛИ ЭЪТИБОРДАМАН”

1. 1993 йил 21 март куни Фарғона вилоятининг Риштон туманида таваллуд топганман. Дадамнинг дадаси томонидан қўйилган. Ўз исми билан туғилди деб, шунақа аташган экан. Исмимдан кўнглим тўлади. Ахир маъноси “янги кун” дегани-ю.

2. Биринчи ўринда баҳор ва байрамни ҳис қиламан, ҳаммага ҳам шунақа исм қўйилавермаслигини ўйлайман. Исмимдан фخرланаман ва унга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

3. Табиатан хушчақчақман, ҳамиша баҳорий кайфиятда юраман, ҳазилни хуш кўраман. Ҳар доим янгиликка интиламан, ниманидир кашф қилиш ҳаракатида бўламан. Бир куним ўтса бўлди, деб яшайдиганлардан эмасман. Ҳар кунимда бир янгилик рўй беради. Янги-янги мижозлар янги муаммолар билан келади (кулади).

Бу исм, барибир, одамларнинг диққатини тортмай қўймас экан. Масалан, мижозлар ҳам эшитса, ажабланиб қарайди. Исмим туфайли менга кўпчилик эътибор қилади. Ана шу томонлардан ҳаётимга таъсири бўлмоқда.

НАВРЎЗ — гўзаллик, уйғониш фасли. Унинг ташрифи арафасида бу байрам билан исмдош бўлган “Hamkorbank” ходимларига сим қоқдик. Наврўзбекларнинг дунёсида Наврўзнинг тутган ўрни қандай эканлигига қизиқиб, қуйидаги саволлар билан юзландик:

1. Исмнингизни ким ва нима учун Наврўз деб қўйган?

2. Байрам кунлари “Наврўз” сўзини эшитганингизда кўнглингиздан қандай ҳислар кечади?

3. Исмнингиз билан боғлиқ қандай жиҳатларингиз мавжуд? Бу исмнинг ҳаётингизга таъсири бор деб ўйласизми?

Наврўзбек КАРИМОВ,
Яккасарой филиали
корпоратив хизматлар
бўлими етакчи
мутахассиси:



“ЯНГИЛИКЛАРГА ЎЧМАН”

1. 1986 йил 29 мартда Қашқадарё вилоятининг Яккасарой туманида туғилганман. Онамнинг оналари — момом қўйган экан. Наврўз оғи бўлгани учун шу исмни танлабди. Момомни яхши кўрганим учун у қўйган исмдан хурсандман.

2. Бу сўзни эшитганда мен ҳақимда гапиришадигандай қувониб қўяман. Айниқса, байрам кунларида ўз исмингизни бутун халқдан такрор-такрор эшитиш ўзгача кайфият бағишлайди.

3. Янгиликларга, янги нарсаларга, ўзгаришларга жуда ўчман. Ишда ҳам ҳаётда ҳам янгиликлар қилишни истайман. Буюмлар, жиҳозларнинг ўрнини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга ҳаракат қиламан. Менимча, исмининг ҳаётимга фақат ижобий таъсири бор. Бу сўз орқасидан шу кунгача яхши нарсаларни кўрдим. Ҳавас қилгудек касб, аҳил жамоа. Ўйлайманки, ҳаётим бундан кейин ҳам Наврўздек беғубор, мазмунли ва қувноқ ўтади.

ОСИЁ тайёрлади.



“ЭЗГУЛИК ФАСЛИДА ТУҒИЛСАМ-ДА, АРАЗЧИРОҚМАН”

1. 1995 йил 19 март куни туғилганман. Эшитишимга қараганда, ўша куни Наврўз байрами бўлаётгани учун дадам менга шу исмни қўйибди. Исмим камёб, ўзига хос ва маъноси яхши бўлгани учун ўзимга ёқади.

2. Баҳор ва Наврўз бир маънони билдиради. Бу сўзни, айниқса, байрам кунлари эшитганимдаги ҳис-туйғуларимни сўз билан таърифлаб бера олмайман. Худди ҳаммаёқда мен ҳақимда айтилаётгандек бўлади.

3. Исмнинг феъл-атвор билан ўхшаш томонлари бўлади, инсон тақдирига таъсир қилади, дейишади. Наврўз араз-гиналар унутилиб, табиатда ҳам инсон қалбида ҳам янгиликни, покликни бўладиган байрам. Шу фикрни ўзимга уқдириб юрсам-да, баъзида нимадандир гина қилиб, тез аразлаб қоламан. Феълим шунақа. Аммо шукрки, бахтлиман, исмим каби ҳаётим ҳам эзгулик, яхшиликлар билан ҳамоҳанг. Мана, “Hamkorbank” да ишлашни орзу қилгандим, ниятимга етдим.



Наврўзбек МУРТАЗАЕВ,
Қарши филиали чакана бизнес
бўлими ижтимоий кредит
менежери:

— Наврўз сиз учун...

— Онамнинг ҳар баҳорда сумалак пишириши. Ҳар йили пиширишни қанда қилмайдиган волидам тайёрлаган сумалакни емабсиз... Қишлоғим гўзаллиги, ям-яшил далалар... Эндигина сабза урган майсалар устига ётиб, мовий осмонни кузатганим...

— Ҳозирчи?

— Сал. Энди ўғилларимга ибрат бўлишим керак-ку (мийиғида кулади).

Келинг, яхшиси, сизга самарқандликларнинг машҳур “ҳалиса” таоми ҳақида гапириб берай. Бусиз Наврўз байрамини тасаввур қилиб бўлмайди биз

САМАРҚАНДГА “ҲАЛИСА” ЕГАНИ КЕЛИНГ

сиз? Юлдузлар билан сузасиз шу лаҳзаларда.

— Болалиқдаги шўхликлар...

— Унутиб бўларми болалиқни?

Мактабда 10 та бўлса ҳам 100 та бўлса ҳам битта тўполончиси мен бўлардим доим. Лекин баҳоларим ҳамиша “аъло” бўлган.

тарафларда. Энди сумалак сайлида одам кўп бўлади-да. Демак, ҳалисани 40-45 кишига мўлжаллаймиз. Ҳамманинг оғзи тегсин дейман-да.

Асли китобда “ҳалим”, самарқандликлар тилида эса “ҳалиса” деб аталади. Уни пишириш учун 10 кг. гўшт

БЛИЦ-СУҲБАТ

(5 кг. мол гўшти. 5 кг. қўй гўшти), 3 кг. пиёз, 1,5 кг. буғдой ёрмаси, 3 литр ёғ зарур бўлади.

Тайёрланиши: ёғ яхшилаб қиздирилади. Тўғралган гўшт қиздирилган ёғга солинади. Ярим соатлар чамаси қизартириб, маромига келгунча қовурилади. Қовурилган гўшт ва пиёз устига қозон (50 литрли дош қозон) тўлгунча сув солинади. 6-7 соат паст оловда қайнатилгандан сўнг гўшт суякларидан ажратиб олинади. Ана энди ивигилган буғдой ёрмаси солинади. 2 соат давомида таом қовлаб турилади. Сўнг ярим соатлар димлаб қўйилади. Мана, таомимиз пишди... Тасаввур қилипман, мен билан бирга пиширдигиз-а ҳалисани?

— Оҳ-оҳ иси димоғимга уриди...!

— Сиз биз тарафларга келинг, албатта, самарқандча ҳалиса пишириб бераман...

НИЛУФАР суҳбатлашди.



Суҳбатдошимиз — Шерзодбек Темиров. Ургут филиали мидл офис бош ҳисобчиси. Табиатан қувноқ, сўзга чечан, киришимлилиги боис у билан суҳбатимиз қизиқарли кечди.

Бир кун и онамни қаттиқ ранжитдим. Улкан қайғу ичида ўксинибгина юзимга қараб:

— Она бўлсанг, мени тушунасан, — деди. Ўсмирликнинг тентаклик кезлари эди. Қайғусига парво қилмай:

— Мен асло сиздай она бўлмайман! — дедим аччиғимдан. Онам индамай ошхонага чиқиб кетди. Аслида ҳали сўзимни тугатмасданок пушаймон бўлиб, бўлдим, лекин ёй камондан отилганди. Ортиқча ғурур бор эди ичимда. Олдига бориб, узр сўраёлмадим. Бирдан кечагина олиб келган китоби-

МАЪНАВИЯТ

учун кекс тайёрлаб беришни сўрадим. Онам ишлари кўплиги учун кекс тайёрлаб беролмаслигини айтди. Мен эса ўртоқларим олдида хижолат бўлишимни айтдим. Модомики, онам кексни пиширар экан, нега мени бунча хафа қилди?

Дадам ёнимга келдилар. Йиғлаётгандим. Кўз ёшларимни артдилар.

— Нималар бўлиб ўтганини биламан, сенга бир сирни очаман, лекин зинҳор онангга айтмайсан, — дедилар. Бошимни тебратдим.

СИЗГА ЎХШАГАН ОНА БЎЛАМАН

га кўзим тушди. Кичик стол устида ётарди. Балки, китоб ўқишга тутинсам, кўнглини олган бўламан, деб хонамга кириб кетдим. Китоб ўқиётиб ухлаб қолибман.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, дадамнинг овозидан уйғониб кетдим. Ишдан келиб, онам билан нималарнидир гаплашаётган экан. Атрофга оқшом қоронғилиги тушган эди. Турмоқчи бўлгандим, устимга ёпинчиқ ташланганини пайқадим. Китоб қўлимдан олиниб, устим ёпилганди. Ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим, ётоғим бошида бир бўлак кекс, ёнида долчинли сут ва кичик хат турарди: "Сен мендай она бўлмайсан, мендан ҳам яхши она бўласан!"

Бошимдан қайноқ сув тўкилгандай бўлди. Қандай қилиб онамга шундай дея олдим?!.. Лекин ичимдаги беъмани жаҳл яна онамнинг ёнига бориб узр сўрашимга йўл бермади. Аслида тортишиб қолганимизнинг сабаби ҳам бошимнинг устида турган мана шу "кекс" эди.

Мен эртанги кунги ўқув йили хайрлашув маросими

— Эртага менинг маош оладиган куним. Уйда ёғ билан ун тугаб қолган экан. Онангга бир кун бирор нима қилиб амаллаб туришини айтгандим. Сен кекс тайёрлашини сўраганимга, ўксинмагин деб "уйда маҳсулот йўқ" деёлмабди. Қўшнилاردан сўрашга ийманибди. Лекин қаттиқ хафа бўлганингни кўриб, баққолга қарзга ёздириб олишга мажбур бўлибди.

Дадамнинг сўзларини эшитар эканман, бошим ғовлаб, миям увишиб қолди. Аввалгидан ҳам улкан қайғу билан онамнинг ёнига қараб чопдим. Хўнграб-ўксиниб йиғлардим-у, бир сўз айтолмасдим. Амаллаб ўпкамни босдим-у, шу сўзларни айта олдим холос:


— Мен сизга ўхшаган она бўламан! Ўз қайғуимни фарзандларимга билдирмайман, ўрни келганда, киприк қоқмасдан ҳар қандай фидоийликдан қайтмайман! Ва фарзандларимни сиз мени севгандек севаман!

Дилафрўз ЎРИНБОЕВА,
Андижон шаҳридаги
50-мактаб ўқитувчиси.

"ЛИВЕРПУЛ" МУХЛИСЛАРИ МБАППЕ УЧУН ПУЛ ЙИҒИШМОҚДА

"Ливерпул" мухлис-лари Франциянинг ПСЖ клуби ҳужумчиси Килиан Мбаппени сотиб олиш учун пул йиғишга қарор қилишди.

Ушбу ташаббус муаллифларининг фикрича, дунёда "Ливерпул" мухлис-лари 100 миллионга яқин ва



250 миллион фунт стерлинг (291 миллион евро) тўплаш

учун ҳар бир киши 2,5 фунтдан бериши кифоя. Айтилган дамбага 3728 фунт стерлинг йиғилди.

Transfermarkt.de порталига кўра, франциялик ҳужумчи дунёнинг энг қиммат футболчиси ҳисобланади. 22 ёшли Мбаппе 180 миллион евро (154 миллион фунт) деб баҳоланган.

Футбол ичида ва футбол атрофидаги ГАПЛАР

Испаниянинг "Барселона" ва "Реал Мадрид" клублари давлатдан ноқонуний ёрдам олгани учун 5 миллион евродан жарима тўлаши мумкин.



Европа суди Испания ҳукумати уларга ва яна икки клубга асоссиз равишда солиқ имтиёзлари тақдим этган деб топди. Улар нотижорат ташкилотлари деб ҳисобланган ва шу боис бошқа клубларга нисбатан 5 фоизга камроқ солиқ тўлаган.

Суд ҳукми Испания "гранд"лари учун оғир молиявий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Январь охирида "Реал"нинг 900 миллион, "Барселона"нинг қарзи эса бир миллиард евродан ортиқлиги маълум бўлган эди.

ҲАР БИР ЎЙИНЧИГА "ЛАСЕТТИ"? ҚОЙИЛ!

Суперлига янги мавсумига ҳозирлик кўраётган "Кўқон-1912" клуби кунча кеча янги футболчиларни таништирув маросимини ўтказди.

Тадбир якунида клуб президенти Бахтиёр Толипов футболчилар ва мухлисларга қарата: "Совринли ўринларни эгалласак, ҳар бир футболчига биттадан "Lacetti" олиб берамиз", — дея ваъда берди.

КУЧЛИ ЁМҒИР ОСТИДАГИ "ЖАНГ"

Ўзбекистон суперкубоги ўйинида "Пахтакор" ўз тарихида илк марта ушбу соврин соҳибига айланди.

Самарқанддаги баҳс кучли ёмғир остида ўтганига қарамай, ўйингоҳда нафақат Самарқанд, балки, Қашқадарё ва Тошкентдан ҳам кўплаб мухлислар ташриф буюрди.

Учрашувнинг 51-дақиқасида Драган Черан томонидан "Насаф" дарвозасига киритилган гол "Пахтакор"га мавсумдаги илк совринни келтирди.



"ЮВЕНТУС" РОНАЛДУНИ СОТИБ ЮБОРИШГА ТАЙЁР

"Ювентус" клуби раҳбарияти ҳужумчи Криштиану Роналдуни сотиб юбориши мумкин.

Пандемия даврида жамоанинг молиявий аҳволи ёмонлашгани боис португалиялик футболчининг 30 миллион евродан ортиқ йиллик маоши клуб бюджетига оғирлик қилмоқда.

Шунингдек, жамоа Пауло Дибалани ҳам сотиши мумкинлиги билдириляпти.



Ҳ. РАШИДОВ тайёрлади.

Подъездимизнинг 5-қаватида бир рус кампир яшайди. Турмуш ўртоғи анча йиллар аввал оламдан ўтган. Икки йил олдин ёлғиз қизи ҳам эри ва фарзандлари билан автоҳалокатга учраб ҳаётдан кўз юмган.

3000 СЎМ...

Дўкондан қайтаётсам, подъездда эълон турибди. Бир парча қоғозга ручка билан "3000 сўм пулимни йўқотиб қўйдим. Ким топиб олса, қайтиб берсин, 76-квартирага, илтимос. Пенсиям оз, нон сотиб олишга пулим йўқ", деб ёзилган эди. 76-хонадонда ўша кампир яшарди. Чўнтагимдан 3000 сўм олдим-да, 5-қаватга кўтарила бошладим.

Кампирга пулни берсам, йиғлаб

юборди:

— Сен ўн иккинчи одам бўласан, менга пул олиб келган. Раҳмат, болам, ўзбеклар нақадар бағрикенг, саховатпеша, меҳрибон ва ғамхўр халқ. Бундай олийжаноб халқ дунёнинг ҳеч ерида йўқ...

Мен орқамга қайтдим. Шунда кампир:

— Болам, ўша эълонни йиртиб ташлагин, уни мен ёзмагандим, — деди.

Кампирнинг кўзидан дув-дув ёш оқарди...

Йигит иш билан шаҳарга тушди. Ошхонага тушлик қилгани кириб, бир отахон билан бақамти бўлиб қолди. Мўйсафид қизиқувчан экан, суҳбатдошининг қаерданлигини сўраб-суриштирди. Йигит қишлоғини айтди.

ОТАСИНИ КЎРМАГАН ЎҒИЛ

Отахон қишлоқни билишлигини айтиб, ундан кимнинг ўғли эканини сўради. Йигит отасининг исмини айтди. Отахон йигитга синчиков тикилиб:

— Эслагандекман, отанг пешо-

наси кенг, қошлари ўсиқ, кўзлари катта-катта одамми? — деб сўради.

— Билмадим, — деди йигит кулиб.

— Нимага билмайсан, болам? — ҳайрон бўлди оқсоқол. — Одам ўз отасининг кўринишини ҳам билмайдими ҳеч жаҳонда.

— Узр, отахон, мен отамнинг юзларига ҳечам тик қарамаганман — дея жавоб қайтарди йигит.

Лазизбек ҲАСАНОВ

Суҳбатдошимиз — “Менинг юртим” телеканали орқали эфирга узатилаётган “Омад шоу” телеўйини бошловчиси Ботирхон ИМОМХЎЖАЕВ.

— Ботир ака, сиз ушбу лойиҳанинг ташкилотчиларидан-мисиз ёки бошловчи сифатида таклиф этишганми?

— Омад шоу телеўйинимиз 2019 йил эфир юзини кўрди. Мен ҳам бево-сита лойиҳанинг ташкил этилишида иштирок этганман ва бошловчилик вазифасини ўз зиммамга олдим.

— Ўйинни кузатиш давомида шу ҳолатга кўп гувоҳ бўлдим, биринчи имкониятда катта сум-

даражада юқорими?

— Лойиҳа учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми катта. Маҳсулотлар майда бўлгани билан сони кўп ва харидор-гир. Уларнинг сотувидан тушаётган пуллар эвазига йирик миқдордаги совринлар қўйилмоқда. Ўйин-ни тўхтатмоқчи ҳам бўлганмиз. Кейинчалик одамларда ишонч пай-до бўлиб, маҳсулотлар савдоси юри-

хаммаси учун 12 фоизли даромад солиғи тўланади. Тўловни бир йил давомида бўлиб-бўлиб амалга оши-риш мумкин.

— Кўрсатув давомида ҳар хил ёшдаги иштирокчилар билан мулоқот қиласиз? Бунга олдиндан тайёргарлик кўрасизми ёки гап ўша пайтда ўзи-ўзидан келавера-димми?

— Съёмка пайтида импорвиза-ция қилишимиз тўғри. Бусиз ўйин қизиқарли чиқмайди. Шоу бошлов-чилари сўзга бой, гапга чечан бўли-ши керак. Аммо, барибир, кўрсатувни суратга олишдан аввал иштирокчи-лар билан танишиб, озроқ гаплашиб оламан. Уларга мулоқот вақтида ҳаяжонланмай, ўзларини эркин тутишлари кераклигини тушунтириб ўтаман.

— Шоудаги бошловчилигингиз учун қанча гонорар оласиз?

— Майлими, шу менинг шах-сий сириб бўлиб қолса. Қанча пул олишимни ҳатто турмуш ўртоғимга ҳам айтмаганман.

— Бундан яхшироқ лойиҳага таклиф қилиб қолишса, қабул қиласизми ёки шоу билан шартнома-ни ҳали узоқ давом этти-расизми?

— Йўқ, мен шоу билан танилдим. Халқимиз, мух-лислар томоша қиляпти. Ҳомийлар, операторлар, ижодкорлар билан ака-ука-дек бўлиб кетдик. Ҳар бит-та вилоятда маҳсулотларни етказиб берувчи воситачилар, диллерларимиз бор. Хуллас, бу лойиҳа ортида катта жамоа меҳнат қилмоқда. Муносабатларимиз аъло



КИМЛАР ЮТИШИ МУМКИН?

мадаги пул тушаркан-да, кейинги уринишларда бу сумма камайиб бораркан. Наҳотки, тасодифлар доим ўхшаш бўлаверса.

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Ўйинда 40 миллион сўмдан 50 милли-он сўмгача пул ютуғлари қўйилган ва барабани айланишига қараб, улар-га эга чиқасиз. Автомобиль ютуғи кўп чиққани учун аксарият иштирокчи-лар пулни олмайди. Кейинги ури-нишларда эса бошқа миқдордаги ютуққа тўғри келади.

— Барабани бошқаси айлан-тириб, ютуқни бошқаси олиши ғалати-роқмасми?

— Бу усул бошидан ўйлаб топил-ган. Чунки иштирокчиларнинг бар-часи автомобилни ният қилиб кела-ди. Барабани ўзи айлантирса, ўзи хоҳлаётган ютуқни мўлжаллайди, бошқа биров эса таваккалига айлан-тиради.

— Бир ҳафтада телефон рақамларининг ўзига 60 мил-лион сўм пул тушяпти. Иштирок-чиларнинг энг камида оладиган ютуқли пули 200 миллион сўмдан ортиб кетмоқда. Яна камида бит-та машина. Агар умумий қўшиб ҳисобласак, битта ўйинда сарф-ланадиган пуллар миқдори кат-та рақамларни ташкил қилмоқда. Телелойиҳанинг даромади шу

шиб кетди ва ўйинимиз ҳам давом этди. Агар ўйин ишончли бўлмагани-да аллақачон ёпилиб кетган бўларди.

— Юртдошларимиз орасида “Омад шоу” “Бориға барака”ни синдирди, деган гаплар юриб-ди. Бево-сита шу лойиҳа билан ҳамнафас шахс сифатида бу гапларга қандай муносабат билди-расиз?

— Йўқ, бу нотўғри фикр. “Бориға барака” кўрсатувига умуман алоқамиз бўлмаган, рақобат ҳам қилмаганмиз. Иккаласи бутунлай бошқа-бошқа телеўйинлар. “Бориға барака”нинг тўхталиши сабабларидан беҳабармиз.

— Кўрсатув олдиндан ёзиб олиниб, кейин эфирга узатила-ди. Жонли эфирда намойиш этил-са, қанчалик мақсадга мувофиқ бўларди?

— Жонли эфирда бермаслигимиз-нинг сабаби телеўйинимизда маши-на топшириш маросими бор. Бун-га бир неча кун вақт кетади. Кўрсатув душанба куни ёзиб олиниб, якшанба куни эфирга узатилади. Унгача маши-налар эгаларига етказилиб, ютуқлар миқдори ҳисоблаб чиқилади. Барча ютуқлар миқдори жамланиб, кейинги кўрсатувда эълон қилинади.

— Ютуқлар учун давлат бож-и тўланар экан, шундайми?

— Албатта. Ўйинда қайси ютуққа эга бўлишингиздан қатъи назар,

даражада. Шундай экан, бошқа кўр-сатувга кетишимга ҳеч қандай сабаб йўқ.

— “Фалон йил ёки фалон муд-датдан бери ўйнайман, рақамим чиқмаяпти, рақамимга пул ҳам тушмаяпти”, деган юртдошлари-миз кўп.

— Ҳа, бу ўйинда иштирок этиш ва соврин ютиб олиш фақат омад-га боғлиқ. Чунки, ҳамма жараёни автоматлаштирилган махсус дастур бошқаради. Кимнидир рақамини қўшиб қўйиш менинг ёки бошқанинг қўлида эмас. Бир ҳафтада рандом дастури асосида рақамлар янгила-ниб туради ва аввалги ҳафтадаги рақамлар ўйиндан чиқади. Ютиш-ни истаган иштирокчи ҳар ҳафта янги смс жўнатиши керак. Ўзимнинг қариндошларим, ошна-оғайниларим ҳам омади чопмаётгани учун мендан хафа. Кўпчилиги аразлаб гапирмай ҳам қўйди.

Икки йил давомида шуни кузат-димки, омад фақат кўнгли пок, чин дилдан ютаман, деб ният қилиб келган ва ҳақиқатан шу пулга, шу ютуққа эҳтиёжи бор иштирокчиларга кулиб боқяпти. Бу ҳам Аллоҳнинг иродаси. Шундай экан, умид қилишдан тўхта-манг ва ўйинимизда иштирок этинг.

Нигора МИРОЛИМ қизи суҳбатлашди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Савол: Иш жойида қўлланилган интизомий жазодан норози бўлган ходимнинг судга ёки меҳнат низо-лари комиссиясига мурожаат этишга ҳаққи борми?

Илёс Чориев, Қашқадарё.

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО

Иш берувчи ходимга меҳнат инти-зомини бузганлиги учун Меҳнат кодек-сида белгиланган интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли. Фақат интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушун-тириш хати талаб қилиниши лозим.

Иш берувчи бир нарсани унутмас-лиги керак. Жазо қўллашда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходим-нинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ходим қўлланилган интизомий жазодан норози бўлган тақдирда 3 ой муддат ичида судга ёки меҳнат низо-лари комиссиясига мурожаат этишга ҳақли.

Меҳнат стаж-и ҳисобланиши учун жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ва мажбурий тартибда солиқ тўлаш тартиби қандай?

И. АВЕЗОВА, Наманган.

ИЖТИМОЙ СОЛИҚ

Жисмоний шахслар учун солиқ тўлаш муддати ҳисобот йилининг 1 декабригача белгиланади. Бун-да солиқнинг миқдори тўлов куни-га белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади,

Меҳнат стаж-и ҳисобланиши учун йилига камида бир маротаба база-вий ҳисоблаш миқдорида ижтимоий солиқ тўлашнинг янги тартиби белги-ланган. Бу қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ихтиёрий тартибда:
• ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар;

• меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган фуқаролар, шунинг-дек, давлат органлари ва бошқа таш-килотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган савдо уйларида, вако-латхоналарда (шу жумладан, юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотлар-да ишлаётган фуқаролар;

б) мажбурий тартибда:
• “Уста-шогирд” мактаблари ўқув-чилари томонидан, улар йигирма беш ёшга тўлгунча қадар ишлаган даври-да;

• деҳқон хўжаликлари, шунингдек, майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участ-касида банд бўлган ёки ушбу майдон-да қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парвариш-лаётган жисмоний шахслар. Бунда, деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди.

Саволларга ҳуқуқшунос Музаффар МАМАДАЛИЕВ жавоб берди.

ҚАТРА

Наргиза қайнонасининг айтганларига бепарво қўл силтаб, дарҳол эътироз билдирди:



СУМАЛАК

ТАЪМИ

— Э, фалон сўмдан пул, ўтин-чўп бериб, бунинг устига кечаси билан ухламай маҳалланинг сумалагида қатнашиш менга зарур кептими? Ана, бозор тўла сумалак. Арзимас пулга бир косасини беришяпти. Болаларга обкелиб берсам, мазза қилиб ялайверишади.

— Маҳалла-қўйдан қолманг дейманда, қизим. Кўпникида барака, савоб бор. Агар аввалги куч-қувватим бўлганда бажонидил ўзим қатнашардим. — Шарофат хола ҳолсизланганча ўрнига чўзилди.

Орадан тўрт кун ўтгач, қўшни аёл насиба дея узатган бир коса сумалак дастурхонда талаш бўлди. Маззаси ҳамманинг оғзида қолди. Болаларининг “яна борми, аяжон?”, дея хархаша қилаётганини кўрган Наргиза уларни тинчлантирган бўлди:

— Эртага бозордан кўпгина олиб келиб бераман. Лекин шу заҳотиёқ эридан дакки эшитди:

— Э, аввалги куни обкелган бозор сумалагингдақа бўлса керакмас. На маззаси, на ранг-рўйи бор. Болалар ҳам зўрға бир-икки илим ялашди, холос. Мана, маҳалланикини қара: хушбўй, тотимли, еган сари егинг келади.

— Бунинг сири бор, болам, — деди ўғлининг гапидан кулимсираб Шарофат хола. — Бозорники тирикчилик, пул топиш илн-жида қилинади. Маҳалла-қўйники эса дуою фотиҳалар, яхши ниятлар билан баҳамжиҳат тайёрланади. Унга меҳру оқибат, хайру саховат қўшилади, дошқозонга эзгулик фаришталарининг назари тушади. Шунинг учун бундай сумалакнинг таъми то кейинги Наврўз айёмигача, эҳтимолки, умрбод оғизлардан кетмайди, бамисли илоҳий неъматга айланади. Уни пиширганлар ҳам, тотиб кўрганлар ҳам савобга қолади. Бундай роҳатбахш неъматга етганлар бор, етмаганлар бор.

Келини сумалақдан бўшаган косага тикилганча енгил ҳўрсиниб қўйди...

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Ҳар гал таниқли санъаткор билан учрашувга ошиқар экансиз, кўнглингиз тубида турган саволларга жавоб олишни, айнан сиз учун қизиқ бўлган маълумотларни тақдим этилишини истайсиз. Қалбингизга манзур бўлувчи ёқимли мулоқот тараддудига тушиб қоласиз. “Hamkorbank” АТБ томонидан ташкил этилган навбатдаги маънавият соатида халқимизнинг сеvimли санъаткори, серқирра ижодкор, бетакрор овози ила миллионлаб мухлислар қалбидан мустаҳкам жой олган Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов иштирок этди.

Ярим асрдан зиёдроқ умрини кино, театр, дубляжга бағишлаган замонамиз қаҳрамони учрашув дастлабидан хотин-қизларнинг бугунги кунда жамиятда, оилада тутган ўрни, уларнинг нуфузи, салоҳияти хусусида сўз юритиб, аёлнинг муқаддаслиги унинг билими, заковати ва энг асосийси фидоийлиги, садоқатида эканлигига алоҳида урғу берди. Нафосат маликаларининг мадҳига бағишланган дил-

СЎЗ СЕҲРИ

бар асарлардан парчалар ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Навоий, Фирдавсий, Шерозий каби лирик адабиётимизнинг ёрқин вакиллари билан

бир қаторда хориж адабиёти, хусусан, Шекспир, Лермонтов каби етук намоёндаларнинг бебаҳо мисралари Афзал Рафиқов ижросида янада жозибали, янада мафтункор янгради. Иштирокчилар яна бир карра ўзбек тилининг гўзаллиги, ўзига хослигини чуқур ҳис этдилар.

Шу ўринда эл суйган санъаткор она тилимизга муносабат, адабий тил нормаларига риоя этишнинг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Афсуски, бугун ойнаи жаҳон

орқали намоёиш этилаётган қатор фильмлар, кўрсатувларда ушбу муҳим қоидалар ёддан чиқарилаётганлиги, белгиланган меъёрларга амал қилинмаётганлигини кузатиш мумкин. Афзал Рафиқов ўзбек тилининг софлигини сақлаб қолишда айнан санъаткорлар, телевидение, радио соҳасида хизмат қилаётганларнинг роли беқиёс эканлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ўзининг бетакрор, гўзал овози ила инсонларни яхшиликка, эзгуликка чорлаб келмоқда. Унга инъом этилган буюк иқтидор маънавиятни юксалтиришга, маърифат оламини бойитишга хизмат қиляпти.

Н.ЭШОНОВА.

Муҳаммад ЮСУФ.

КЎКЛАМОЙИМ

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўкиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқяланг суюнтирай боламни,
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпопукдан соч илсин,
Бойчечакка борар йўллар очилсин —
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Қумри билан бирга чиқдик биз қишдан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кел-да энди, соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб қўмиб келдим отамни...
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин дала-даштинг ясаниб,
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб.
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим!.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган Индекс: 460 e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАНОВА Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй. Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-349 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.